

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

## 2000 - Соғлом авлод йили



### ЯХШИ ШОГИРД ЕТИШТИРСАМ, ДЕЙМАН...

Юртимизда соғлом авлод тарбиясига Давлат сийсати даражасида катта эътибор билан қараб келинмоқда. Соғлом ва оқил фарзандлар ўстириш халқимизнинг эзгу амалларидан биридир.

Устоз... Ҳар гал шу сўзни эшитганимда боланинг жони-жонига пайваста, умрини шу сермашаққат касбга бахшида қилган меҳрибон, ширинсўз ўқитувчилар кўз ўнгимда гавдаланади. Сухбатдошим Тошкент шаҳрининг Сирғали туманидаги молия-иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси Рихсияхон Ҳасанова бутун ҳаётини ана шундай ҳам сермашаққат, ҳам ифтихорли касбга бағишлаган фидоий инсонлардан.

- Рихсияхон опа, сиз йигирма саккиз йилдан буён мазкур даргоҳда иқтисод фанидан ёш авлодга таълим-тарбия бериб келар экансиз. Касбингиз-шафли, масъулиятли. Шунча йил бир жойда ишлаб ҳамкасбларнинг меҳрини қозониш ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган бахт...

- Ҳақиқатан ҳам ўқитувчилик машаққатли, аммо улуг касб. Бу менга онамерос касб десам асло янглишмайман. Раҳматли онам Тоирахон Ғофурова 48 йил давомида пойтахтимиздаги 84-мактабда ишлаганлар. Онамдаги педагогикага бўлган қизиқиши, болажонларга бўлган юксак муҳаббат мени ҳам шу соҳани эгаллашимга туртки бўлгандир. 1972 йилдан буён ҳисобот-бухгалтерия техникуми (ҳозирги молия-иқтисодиёт кол-

лежи)да ишлаб келаман.

- Юртимизда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтилаётган бир пайтда сиз мазкур даргоҳда мустақил ҳаётга эндигина кадам қўйиб келаётган ёш-

**“Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлади, қудратли юрtnнинг фарзандлари соғлом бўлади”.**

**Ислом КАРИМОВ**

ларга фақат иқтисоднигина ўргатиб қолмасангиз керак...

- Илмисиз кишини меъасиз дарахтга қиёс қилишадди. Йиллар ўтган сари одамларнинг яшаш тарзи ҳам, дунёқарashi ҳам ўсиб-ўзгариб бормоқда. Илгари фақат дарсликдаги материал билан чекланиб қўя қолардик. Ҳозирги ўсиб келаётган ёш авлод билимга жуда чанқоқ. Уларга иқтисоддан дарс берибгина қолмай, балки ҳаётимизнинг барча жабҳаларида элимизнинг эртанги куни учун қайғуриб, юрт равнаки йўлида фидоқорона меҳнат қиладиган жонқуяр мутахассисларни етиштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйганман. Коллежда таълим олаётган ёшларнинг кўпчилиги вилоятлардан келган. Шу боисдан уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини назорат қилиб бораман, доимо яшаш тарзи, соғлиги билан ҳам қизикман.

- Бу йил “Соғлом авлод” йили деб номланди. Келажгимиз-ёшлар кўлида. Бу эса ота-оналар, қола-

верса ўқитувчилар зиммасига катта масъулият юклайди.

- Ўқитувчи борки, яхши шогирд етиштирсам дейди. Аввало бу касбнинг ўзи кишидан фидоийликни талаб қилади. Ота-она ўқитувчи билан маслақдош бўлиши зарур. Ўқитувчининг оёғидан ўт чакнаб туриши керак, у ўқувчига фақат таълим берибгина қолмасдан, болалар қалбига йўл топа олиши, унинг руҳиятига мос муомала қила олиши даркор. Ҳар бир бола қалби бошқа-бошқа олам.

Энг муҳими, ўқитувчи ўз ўқувчисини тушуна олсин, ана шундагина у кўзлаган мақсадига эришиши мумкин.

- Сиз ўзингизни ҳар томонлама бахтиёр аёл деб ҳисоблайсизми?

- Мен ҳақиқатан ҳам ҳаётда бахт топган аёллардан бириман десам муболага бўлмайди. Турмуш ўртоғим билан уч нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказдик. У киши кимё-технология олийгоҳида ишлайдилар. Тўнғич кизим Умидахон ҳам олийгоҳда аспирант. Наргизахон-Тошкент тиббиёт олийгоҳида ишлайди. Зиёдахон эса - талаба.

- Тилакларингиз...

- Мен аввало онаман, қолаверса ўқитувчиман. Илоҳим, юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин, болаларимиз соғ-омон бўлишсин.

**Фарида ТОХИРОВА**

### ЯНГИЛИКЛАР,



### ВОКЕАЛАР КЎЗГУСИДА

● Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов қайта ўз лавозимига сайланганлиги билан қардош ва хорижий мамлакатларнинг раҳбарларидан келаётган санимий кутловлар давом этмоқда.

● Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси иккинчи қаҳриқ Ўзбекистон Республика-

си Олий Мажлиси биринчи сессиясининг биринчи мажлисини шу йил 22 январда Тошкент шаҳрида қаҳриқ риш тўғрисида қарор қабул қилди.

● Мустақил Ватанимиз химоячилари куни - 14 январни мамлакатимизнинг барча ҳарбий ва чегара қисмлари жаңгчилари кенг нишонладилар.

● Президентимиз ташаббуслари билан муваффақиятли ўтган меҳр-муруват ўн кунлиги яна йўлбошчимиз таклифи билан бутун йил бўйи давом этадиган бўлди. Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида “Имом ал-Бухорий” ва “Ибн Сино” жамғармалари 215 минг сўмлик қимматбаҳо совғалар, дори-дармонлар хайрия қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

халқимизнинг ризқ-рўз манбаи экин-тикин майсаларининг пайхон қилинишига қарши махсус Қарор қабул қилди.

● Хорижий мамлакатларда кенг тарқалган нафас йўлларининг ўткир юқумли касалликлари ва грипп эпидемиясининг олдини олиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат комиссиясини тузди ва касалликка қарши кураш чора-тадбирлари режасини белгиллади.

● Республикаимиз Президенти Ислом Каримов халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашида иштирок этиб, катта нутқ сўзлади. Кенгашда ташкилий масала кўриб чиқилиб, вилоят ҳокими лавозимига илгари ҳокимнинг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келган Алишер Отабоев тасдиқланди.



## ХАЛҚИМИЗ БАХТИГА ДОИМО СОҒ-ОМОН БЎЛИНГ

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ислом Абдуғаниевич КАРИМОВга

**Мухтарам Ислом Абдуғаниевич!** Сиз халқимизнинг иродаси билан яна Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайландингиз. Шу тарихий воқеа муносабати билан Сизни чин дилдан муборакбод этамиз. Президентлик сайловида қозонган бу порлоқ ғалабангиз халқимиз орзусидир, бирдамлиги ва эътиқодининг яққол тимсолидир. Муборак истиқдолнинг илк кунларидан Сиз халқимизга қадимий тарихини, моддий-маънавий бойликлари ва қадриятларини қайтариш борасида беқибс кучгайрат сарфлаб келмоқдасиз. Сиз, айниқса, миллатимизга генофондини соғлом қилиш, миллий гурурини тиклаш, навқирон авлодни эзгу ишларга руҳлантириш, хотин-қизлар фаоллигини оширишдек оламшумул ва

зифаларни амалга оширишда ҳам ғамхўр мураббий ва ҳомий бўлиб танилдингиз. Ўзбек халқи жаҳонга юз тутиши, тинч ва оқсоқил турмуш кечираётгани, иқтисодимиз кун сайин мустақамлашиб бораётгани, маънавий-маърифий ҳаётимиз юксалётгани бевосита Сизнинг номингиз ва фаолиятингиз билан чамбарчас боғлиқдир. Сизнинг ташаббусингиз тўғрисида мамлакатимизда заминимиз мустақам таълим тизими юзга келганини, қолган инсонни вояга етказиш барқарор тус олганини, инсон ҳақ-ҳуқуқлари, оналик ва болалик халқаро демократик талаблар асосида муҳофаза қилинаётганини бутун дунё эътироф этаёттир. Бевосита Сизнинг моддий-маънавий қўллаб-қувватлашингиз билан "Соғлом авлод учун" шиори амалиётга кўчиб, умумхалқ

ҳаракати айлангани айниқса қувончлидир. Шунга ишончимиз қомилки, Сиздек оқил ва адолатпарвар йўлбошчи раҳнамолигида озод ва обод Ўзбекистонимиз келажақда янада гуллаб-яшнайд, биз Сизнинг ғамхўрлигингизни чуқур ҳис этган ҳолда XXI асрга мардона кириб борамиз, ҳар томонлама тараққий қилган-хуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо қиламиз. Сиз, ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, халқимиз бахтига ҳамisha соғ-омон бўлиб, мунаввар истиқболимиз йўлида амалга ошираётган туб ислохотларингизнинг, буюк эзгу ишларингизнинг самараларини кўринг. **Ҳуқуматга қарашли бўлмаган "Соғлом авлод учун" жамғармаси бошқаруви ва "Соғлом авлод учун" халқ ҳаракати фаоллари**

## САВОБГА БОШ ҚЎШГАНЛАР

Муруват кунлари доирасида "Соғлом авлод учун" Халқаро хайрия жамғармасининг Сурхондарё вилоят бўлимидаги-лар ҳам серфарзанд, кам таъминланган оилаларга, ногиронларга, ёлғиз қарияларга ҳам моддий, ҳам тиббий кўмак беришди. - Яқинда Ангор туманида бўлиб, 15та маҳалладаги ноқирон оилалар, беморлар, ногиронлар ҳолидан хабар олдиқ, - дейди жамғарма бўлими раиси ўринбосари Панжи Шоназаров. - Уларга озик-овқат, кир ювиш воситалари, дори-дармонлар улашдик. Термиз шаҳри, Термиз туманидаги эҳтиёжманд оилаларга ҳам хайрия ёрдами кўрсатганимиздан хурсандимиз. Бундан ташқари, ихтиёримиздаги тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси вилоятимизнинг туман ва шаҳарларида бўлиб, аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатаёттир. Утган йил давомида бу бригада 14 минг 756 хонадонда бўлиб, 405 нафар ногиронни тиббий-ижтимоий кўриқдан ўтказди ҳамда уларга малакали тиббий хизмат кўрсатди.

## МЕҲРАМ ДУНЁ

Ҳимояга муҳтож одамлар, кўп болали оилалар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, беморлар ва ногиронлардан хабар олиш, уларга маънавий ва моддий ёрдам кўрсатиш сурхондарёликларнинг эътиборидан четда қолмапти. Ҳомий қорхоналар Деновдаги Эркалар муруват уйига 503 минг 461 сўмлик, Сарюсийдаги "Фарход" аёллар ва болалар муруват уйига 257 минг 544 сўмлик моддий ёрдам кўрсатишди. Бундан ташқари, йил давомида саховатпешалар тарафидан 8825 нафар муҳтож кишига 33 миллион 428 минг 35 сўмлик турли хил хайрия ёрдами берилди. - Айтиш керакки, ходимларимиз муборак Рамазон ҳайити кунларида кўнгли ярам қариялар, ногиронлар, ёлғиз кексалар, муҳтож кишиларнинг ҳолидан хабарлашиб, уларга ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан ажратилган инсонпарварлик ёрдами тақдим этишди, - дейди вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи ўринбосари Мелиқўзи Райимов.

Сурхондарё вилояти Маҳмуд АБУЛҲАЙЗ

## ТИЛ ЎРГАНИШ ТЕКИН

Тошкент Давлат Университети маданият саройида хорижий тилларни ўргатиш маркази иш бошлади. - Ҳозирда 50 нафар йигит-қизга инглиз, немис, араб тилларининг грамматикаси чуқурлаштирилган тарзда ўргатилмоқда, - деди марказ раҳбари Мила Мусаев хоним. - Таъқидлаш жоизки, тил сабоқларини англайлик Эҳсон Вафойи, даниялик Соња Вибе ва ўзбекистонлик тилшунос олимлар олиб боришмоқда. Қуролар ўрганувчининг ёши, қизиқиши ва билим даражасига қараб ўқитилляпти. М.Мусаев хонимнинг айтишича, айни пайтда ушбу марказ талабалари "Умид" жамғармасининг биринчи босқич имтиҳонларида ҳам фаол қатнашаёттир. **"Туркистон-пресс"**

## ОҚҚЎРҒОН АНЖИРИДАН ЕГАНМИСИЗ?



Бувайда туманидаги "Ўзбекистон матбуоти" хиссасдорлик жамиятининг бошқарув раиси Валижон Насимов билан суҳбат

- Валижон ака, оилада эркакнинг ўрни ҳақида қандай фикрдасиз?
- Нуроний ота-онам Жўрабой, Умихонлар мени "одам боласи" қилиб тарбиялагунча қанчалар "тун ва кун"ларни бошидан кечирмаган дейсиз? Ота, бувалик бўлиш гаштини суриб, ота-она қадри, оила ва етти авлод шаънини эъзозлашда эркак етатки, қўрғон бўлиши керак.
- Оққўрғон анжирини жуда фойдали дейишди.
- Оққўрғон анжирининг хислатлари кўп. Оққўрғон қора, қизил ва сариқ анжирлари фақат шу заминимизда шифобахдир. Бунга асосий сабаб заминимизнинг хусусиятидир.

Айниқса, унинг қуритилгани ва мураббосининг инсон саломатлигига катта фойдаси бор. Бронхид, ангина, шамоллашнинг олдини олиш, қаттиқ шишларга, чипқонларни пиширишда қўйиб боғлаш, қайнатмаси билан ғарғара қилинса томоқ ва кўлоқ ости шишларига фойда қилади.

- Шу кунларда жамоангизда қандай ишлар амалга оширилмоқда?
- Мавжуд 67-та савдо шаҳобчалари, 5 дан зиёд хусусий дўконларга ўрик, олма, беҳини қоқилари ва анжир мураббосларини сотувга чиқармоқдамиз. Анжир мураббоси учун қўшни Андижон, Наманган ва вилоятдаги барча туман, шаҳар аҳолиси талабдордир. "Оққўрғон" жамоа ҳўжалигимизда 2 та қўшма цех бўлиб, унда аҳолига иссиқ нон, оқ қанд ва анжир мураббоси тайёрланмоқда. Илчи-хизматчиларимизга, ноқирон оилаларга, 2 та болалар ялсисига, 2 та мактаб ўқувчиларига моддий ва маънавий ёрдам бериб келмоқдамиз.

Суҳбатдош: М. СУЛҲИМОНОВ

## ЭЛ НАЗАРИДАН ҚОЛМАЙЛИК



- дейди Учқўприк туман "Хумо-Уч" хиссасдорлик жамиятининг бошқарув директори Муроджон РАҲУВОВ

- Муроджон, оталик ва раҳбарлик маъсулятини қандай ҳис этаяписиз?
- Аввало, олти фарзандим вояга етказган отам Одилжон мунис онажоним Тўлғонойлларга минг қутлуг қиламан. Уч фарзандимнинг онаси, рафиқам Маъмураҳон ҳам асл наслимиз шаънини қадрламоқда.

Юртимизнинг асл насли қозилари бўлгани каби, менда ҳам оталик гурури, жамоамизнинг шаъни, қадри билан яшаш эзгу мақсадимдир.

- Жамоангиз фаолияти, ишчи хотин-қизларингизни ижтимоий ҳимоялаш ҳақида ҳам гапириб берсангиз...
- Жамиятимиздаги 1259 ишчи-хизматчидан 882 тадан зиёд хотин-қизларимиз шарқ ва замонавий кийим-кечаклар, зардуўлик, попполик, тикувчи ва тўқувчилик касбларида фаолият кўрсатади. Бошланғич касба уюшмаси (раиси Мавжудаҳон Аскарлова) томонидан ҳамда жамиятимизда ижтимоий ҳимоялаш бўйича махсус гуруҳимиз орқали кам қонли қиз ва жувонларимиз бепул тиббий довланади. Ишчиларимизнинг 100 дан ортиқ жажжи фарзандларини қарамоғимиздаги "Кичкинтой" болалар боғчасида тарбиялаш шу кун талабидадир.
- Илгор аёл ишчиларга, нафақажўр аёлларга, кам таъминланган 45 та оилаларга, жами 540 минг сўмдан зиёд моддий ёрдам бердик.
- Ҳайит, анъанавий байрамларда жамиятимиз томонидан тумандаги 1-мактабда таълим олаётган 30 нафар кам таъминланган оилалар фарзандларига кийим-кечаклар, 35 нафар ўқувчиларга тўлиқ ўқув-қуроллари совға қилдик. Мактабни таъмирлашга 1 миллион 500 минг сўмлик ёрдам бердик.
- 2000 йилда туманимизда "Хумо" маҳаллий телестудиясини ишга солиш, янги иш ўринлари, қишлоқдаги бўш ўтирган қиз-аёлларимизни ишга тақлиф этиш мақсадида изланаёلمиз. Энг муҳими хиссасдорлик жамиятимиз эл назаридан қолмаслиги учун бир тан, бир жон бўлиб яшаб келмоқдамиз.

Суҳбатдош: Мухтор БЕК

## ЗАРУР ҲУЖЖАТ ТОПШИРИЛМАГАН ЭКАН

Тахририятимизга Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Дўрмон қишлоғи, Қодирлик қўчаси, 90-уйда истиқомат қилувчи 1-гурӯх ногирони Гулзина Қолдибекова-нинг шикоят хати келган эди. Бу арзи ҳол газетамизнинг 1999 йил 45-сонида "Бизга ҳам ер берилса..." сарлавҳаси остида чоп этилди.

Унда Қолдибекова Гулзина 10 фарзанднинг онаси эканлиги, фарзандлари учун уй-жой олиш мақсадида қишлоқ фуқаролар кенгашига, раисига ариза билан мурожаат қилгани, ҳокимиятга хат йўллагани, лекин истак-илтимоси қондирилмаётгани ҳақида ёзганди. Ушбу "арзи ҳол"ни текшириш мақсадида Қибрай тумани А.Матқобулов номли қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб.

Фуқаролар йиғини раиси Орифжон Олимов бу масала хусусида қуйидагича тушунтириш берди:

"А.Матқобулов номли қишлоқ фуқаролар йиғини қошидаги аҳолини уй-жой билан таъминлаш гуруҳи томонидан 1991 йил май ойидан бошлаб очилган ва муҳрланган ҳисоб дафтари текшириб кўрилганда ер олиш учун Гулзина Қолдибекова ва фарзандлари томонидан ҳеч қандай ҳужжатлар топширилмаган.

Мен маҳалла оқсоқоли Перки Усмановга 1999 йил август ойида "Ушбу оила уй-жой учун ҳужжатларини топширсин", деб айтганман. Улар эса ханузгача маҳалла оқсоқолига ҳужжатларини тўлиқ топширмаган. Натигада ер комиссияси Гулзина Қолдибековани ва ўғилларини навбатга олмаган".

Сўнгра Ориф Олимов, бош маслаҳатчи Улугбек Эгамназаров билан биргаликда Гулзина аяниқига йўл олди. Ҳақиқатан ҳам Г.Қолдибекова 1989 йили туман ижроия қўмитасига яшаш шароитини яхшилаш борасида мурожаат этгани маълум бўлди. Лекин ўтган йиллар мобайнида яқка тартибда уй-жой қуриш учун қишлоқ фуқаролар йиғинига мурожаат қилмаган.

1999 йил сентябр-октябр ойларида Гулзина аянинг катта ўғли Тоир Қолдибеков уй-жой қуриш учун ер ажратиш ҳақида мурожаат қилганида уй-жой билан таъминлаш гуруҳи раиси бу борада ҳужжатлар зарурлигини тушунтирган. Лекин шунга қара-

масдан ариза томонидан ҳужжатлар шу кунга қадар ҳам тақдим этилмаган. Шу боисдан Қолдибековларнинг оиласи яқка тартибда уй-жой қуриш учун навбатга қўйилмаган.

Шу кунги уйда Гулзина аянинг катта ўғли бўлмаганлиги сабабли келини Меруерт Қолдибекова ҳам турмуш ўртоғининг иш жойидан маълумотнома йўқлигини тасдиқлади ва шунинг учун ҳужжатларини қабул қилишмаганини айтди.

"Арзи ҳол"даги ... катта келиним М. уй-жойга, устакта ерига ариза топширди", - дейилган гап асоссиз бўлиб чиқди. Маҳалла оқсоқоли П.Усманов ҳам ҳужжатлар ула бўлмаганлиги сабабли уни Тоир Қолдибековга қайтариб берганигини тасдиқлади.

Гулзина аяга ва катта келини Меруертга қайтарилган арзи ҳол қилишдан аввал ўз ҳуқуқ-бузурларини тўлиқ ағлаш лозимлиги, фуқаро сифатида умумий қоида-қонунларга риоя этиш зарурлиги тушунтирилди.

**Хонбиби ҲИММАТ қизи, "Оила ва жамият" газетасининг махсус муҳбири**



“Энди бу йўлдан қайтмайман”—35-сон

**Эслатма: Эрим билан ажрашгач икки фарзандимни тивувчилик қилиб боқаётгандим. Беш фарзандли, оилали Муроджон ака билан танишиб, севишиб қолдик. Энди у мени иккинчи хотин қилиб никоҳига олмоқчи...**

**АЗИЗА**

**Марғилон**

Инсон бу дунёга келиб, яшаб ўтар экан ўзидан фақат яхши ном қолдириши керак. Мен Азизанинг хотини ўқиб жуда-жуда хафа бўлиб кетдим. Агар Азиза қаршимда тур-

бўлсагина бошқа никоҳ қабул бўлади, бўлмаса ҳаром ҳисобланади. Буни бизда ҳозир кўпчилик тушунамайди. Никоҳ ўқитиб олсак бас, яшайверамиз деб ўйлашади. Ҳаром ва ҳалолнинг фарқи қолмади. Бу эса бизда исломий билимнинг

**БУ ЙЎЛДАН**

ган бўлганда эди, унга аччиқ-аччиқ гапларни айтган бўлар эдим ва бундай аёлларнинг юрагимни эзиб келаётган қилмишларини гапириб-гапириб юрагимни бўшатган бўлар эдим. Афсуски, хат орқали ёзган бошқа, юзига айтган бошқа. Муқаддас “Ҳадис” китобида Пайғамбаримизнинг шундай сўзлари бор: “Кимки никоҳида бошқа бир аёлни борлигини билиб туриб, ўша эркакнинг никоҳига кирса, бу аёлга Оллоҳнинг боққан балоси бор, балоси бор, балоси бор...” Иншооллох шундай бўлсин. Сиз Азизахон ўзингизни жуда баландларвоз гаплар билан мактабсиз: анчамунча аёлларда йўқ характерлар, ўзгача муомала, чақон ҳаракат, меҳнаткашлик, чиройли муносабат... Ўйлаб қоласан киши. Нега шунча гўзал хислатларингиз бор экан, эрингиздан ажрашиб, айни 28 ёшингизда отангиз тенги эркакка муҳтож бўлиб ўтирибсиз? Мурод акангизни хотинини “заҳар” деб ёзибсиз. Бечорагина аёлнинг ёши ҳеч бўлмаганда 45 да бўлса керак. 22 йиллик турмуши мобайнида рўзгорнинг бору-йўғига, 5 фарзанднинг соғу-касалига, кайнона-кайнотанинг қошу-қовоғига қарайвериш у бичора “заҳар” бўлмай ким бўлсин. Ўша “заҳар”га насиб этган 22 йиллик турмуш Сизга насиб этмабдику. Турмуши чидаганга чиқарган... Мурод акангизни 81 ёшли онаси ҳам саводсиз аёл бўлса керак. “Никоҳ ўқитиб олиб яшайверинглар”, деб оқ фотиҳа берибдилар. Тушунган, оқила аёл бундай қилмайди. Чунки никоҳидаги аёл рози

**ҚАЙТМАСЛИК**

етишмаслигидандир. Хўп, Азизахон, Сиз билимдон аёл экансиз, нега яшаётганингизга 8 ой бўлибдию, отанонгиз розилигисиз яшаяпсиз. Балки улар виждонли кишилар бўлишса бунга рози бўлишмас. Менимча, Сиз олдинги эрингизни ҳам ўзбошимчалик билан топгансиз. Шунинг учун турмушингиз узок давом этмаган. Инсон дунёга бир марта келади. Ҳамма аёллар тинч-тотув, аҳил, фарзандлари бахтини кўриб яшагиси келади. Аммо ҳамма ҳам пешонага ёзилганини кўради. Агар Мурод акангиз Сизга қилаётган яхшиликларни хотинига қилса, у муштилар аёлнинг ҳам кўнгли эриб кетарди. Сизнинг ўғилларингизга қилаётган яхшиликларини ўзининг фарзандларига қилса, болаларининг бўйи етиб қолибди-айни муддао бўлур эди. Ҳаётим учун курашаман, зўрлик билан тортиб олмайман дебсиз. Зўрлик бундан ортиқ бўладими? Сабр қилсангиз ўзингизни тенгингиз - хотини ўлганми, ёки Сизга ўхшаб ажрашганим бирор эркак топилар эди. Албатта бировни эрини тортиб олиш шартмикан? Нима десангиз, севиб қолибди. Хаҳ, севги ҳам ўлсин, 50 ёшда 5 фарзанднинг отаси севмаса нима эди? Бу юракнинг амрига кулоқ солсанг нима нар қилмайди. Ҳамма бола-чақали кишилар севиб қоларса ҳаммаёқни етим болалар босиб кетади-ку. Буни гуноҳи кимга? Эртага ҳаммамиз Яратганнинг ол-

дига бориб қилган гуноҳларимизга жавоб берамиз. Бугунги беш кунлик кайфу сафони, фақат ўзимизни ўйлашдан охиратни ўйлаш керак. Чиллақини кўриб чиллаки чумак уради, деган гап бор. Сизга ўхшаган аёллар бир-бирларини кўриб шундай яшаса бўлар экан-ку, деб улардан андоза олиб яшаяпсиз. Йўқ, бўлмайди. Ҳеч қачон бўлмайди. Сизларни бундай яшашга ҳақларинг йўқ. Жамиятимизни булгаб, оёқ ости қилишга ҳақларинг йўқ. “Нега бундай қилдинг”,- деб сўрасанг: “Қуръонда 4 тагача хотин олиш мумкин дейилган”,-деб жавоб беришади. Ҳой инсон, намоз ўқимайсан, рўза тутмайсан, Қуръону ҳадис китобини кўлингга олмайсан, алифни калтақ дейишни билмайсану, мумкин-мумкинмаслигини қаердан била қолдинг? Ҳамма ўзига керагини ўқиб олса керак-

**ГУНОҲ...**

да? Агар ўша китобларни ўқиб, Оллоҳ амалларига амал қилганингиз билардинг, нима мумкину, нима мумкин эмас. Қачон мумкин 4 тагача хотин олмоқ? Қачонки, аёли фарзанд тугмаса, кўр ёки шол бўлиб, бир ишга ярамай қолсагина, шунда ҳам хотинининг розилиги билан мумкин. Бўлмаса йўқ, йўқ, булар ўзларича “закон” чиқариб олишган. Сенларга никоҳ ўқиб, ҳаром пул ишлаётган домла-имомлар ҳам бир кун бунинг жазосини оладилар. Нега улар никоҳ қозғоларини сўрамасдан никоҳ ўқийверадилар. Буларни танобини ҳеч ким тортиб қўймайдимикан? Биттадан ортиқ хотин хотин эмас, ўйнаш бўлади. Нега ҳозир кунда бунга ҳаммамиз бефарқ бўлиб қараяпмиз? Ҳаммаёқни ҳаром-ҳарис босиб шуларнинг касофатига қолмаётганмикимиз? Эҳ, аёллар, сабр таги раҳмон. Менинг холам борлар. Онагинанинг бу дунёда шу сингилларидан бошқа ҳеч кимлари йўқ. Улар эгизак. Холажоним ҳам пок ниятлар билан бундан 40 йил илгари оппоқ кўйлақларда бир йигитнинг остонасига қадам қўйган эдилар. Аммо Оллоҳ холами бир тирноқча зор қилди. Улар эру-хотин бир-бирларига меҳрибон, аҳил яшар эдиларки атрофдагилар ҳавас қилишарди. Лекин йиллар ке-

тидан йиллар ўтди. Фарзанд йўқ. Докторлар агар холам бошқа турмуш курса, эрлари бошқа турмуш курсигина фарзанд кўришларини айтишди. Лекин холам ўзларини бошқа бир эркак билан ҳаёт кечиршини тасаввур қилолмасликларини айтиб, ундан кўра эрларини бошқа аёлга уйлантиришларини, унинг фарзандларини ўзлари катта қилишларини айтдилар. Шундай қилдилар ҳам. 2 фарзанди бор аёлга совчи бўлиб бордилар. Бир пайтлар ўзлари келин бўлиб тушган уйга бошқа аёлни келин қилдилар. Менга бу нарсани ёзиш қийин. Чунки мен ҳам аёлман. Ўз бахтини кемтик қилиб, бошқа бир аёлга бахт бериш... Йиллар ўтиб аёлнинг 2 фарзанди 6 та бўлди. Энди холажонимнинг ташвишлари кўпайиб кетди. Чақалоқ боқиш, овқат пишириш, сугур-сидир. Лекин бирор марта холамининг бировга ҳасрат қилганларини эшитмаганман. Доимо юзларида самимий табассум. Дод! Бу муштипар аёл елкасида шунча нарсани қандай кўтариб юради. Баъзи аёлларимиз ўзларининг эрларни туриб, бировларнинг эрларини йўлдан уриб юрган вақтда бу жасорат эмасми? Ўзига насиб қилмаган оналикни бошқа бир аёлга раво кўрса... У ҳам аёл эди-ку. Фарзанд кўриб унга алла айтиб, катта қилиб, уни камолни кўришни истамасмиди?

Холагинам бегона аёлнинг 2 фарзандини ҳам оқ юриб, оқ тараб, ўз фарзандлари қаторида уйли-жойли қилдилар. Ҳозирда 3 келинли, 1 кўёвли бўлишди. Бир дунё набиралар қуршовида қолганлар. Илоҳим шундай аёллар бор бўлсин. Мана сизга бир аёлнинг тарихи. Илоҳим ҳеч бир аёлнинг бахти кемтик эмас, бутун бўлсин. Ўз эри ва болалари билан бахтли бўлсин. Сизларга ўхшаган чақир тиканақлар қуриб битсин.

Мурод аканинг хотини болаларининг камолни кўрсин. Илоҳим бахти бутун бўлиб, соғ-саломат юрсин. Оллоҳдан унга сабр-бардош, Сизга эса Азиза инсоф беришини сўрайман.

Зеро, бировнинг бахти устига қурилган бахт омонат бўлади. Бир кун келиб кулаб тушади.

**Дилором ЙЎЛДОШЕВА**  
**Тошкент шаҳри**

“Сен на ёрсан, сен на тулсан, эй ғариб...”—41-сон

**Эслатма: Ўқишни битириб яхши касбнинг эгаси бўлдим. Ишга ҳам кирдим. Ота-онам мени ўзлари топган йигитга узатишди. Лекин у... Мен борманми, йўқманми асло иши йўқ. Ўзим ёниб, ўзим куйиб уч болам билан яшаяпман...**

**Андижон вилояти, Избоскан тумани**

**ОЙДИН**

Дил изхорингизда бутун вужудингиздаги изтироблар, дарду аламларингиз, гаму ҳасратларингизни, самимиятингизни тўла ифодалашга уринибсиз. Ўқиб кўнглим бузилди. Қонмаган, яъни ташна муҳаббатнинг фарёдлари, тунлари ҳам мени безовта қилди...

“Эрим болаларимни жонидан ҳам яхши кўради, еру кўкка ишонмайди...” дейишингизга қараганда эрингизни ҳиссиз-туйғусиз одам деб бўлмайди. Маҳалла-кўй ҳам “яхши” дейишар экан. Бунақа одамни Сиз ёзганнингиздай ёмон деб бўлмас... албатта, эрингизни Сиз яхши биласиз. Баъзан тескариси ҳам бўлади. Эрингиз Сиз билан ҳамдард бўлади, жазман ҳам тут-

дингизни ҳам пок сақлаётган экансиз, бундан кўра катта бахт борми?! У дунёда Сиздан биринчи талаб этиладиган гўзаллик-поклик бўлади-ку! Аччиқ билан ёмон йўлларга кирдингиз, уч фарзандингизни бирор касофатга дучор бўлишдан Сиз қандай

**КЎНГЛИНГИЗНИ**  
**БУЗМАНГ**

ди, ичади. Уради... Сизнинг эрингиз урмас ҳам экан. Бироқ унинг ишлаши-ишламаслигини, яъни оиласини тебратилишни ёзмайсиз... Сиз ўзингизни пок, ҳалол қилиб кўрсатасиз (Илоё шундай бўлсин!), ахир бу дунёда нопок бўлиб гуноҳлар орттиришдан кўра дахшат йўқ-ку! Бу дунё, у дунё азоби бор-ку! Сиз шу икки дунё азобидан холи экансиз, фахрланмайсизми?! Уч фарзан-

манфаат кўрасиз?! Оталаримиз, оналаримиз бир-бирларини кўрмай турмуш қуришган ва яшаб кетишган-ку! Одам бу дунёга айши-ишрат учун эмас, синов учун келади. Оллоҳ Сизни синаётган экан, бардошли бўлинг! Чиданг! Худодан эрингизнинг инсофини сўранг! Поклик-ягона гўзаллик! Сизга бу борада ҳавас қилса арзир экан... Оллоҳ: “Эй, банди мўминим! Сен

мўминларнинг назари тушадиган ерларингни пок сақладинг, лекин менинг кўзим тушадиган қалбингни пок сақладингми?”,-дея жанозадан кейин, яъни қабрга қўйилгунча сўроқ қилади.

Сиз “Сенинг назаринг тушадиган қалбимни ҳам пок сақладим!”,-дея яратганга жавоб қила олар экансиз-ку!

Мана Сизга ягона бахт! Шаҳсан мен ҳам дунёга қайта тугилишинг илоҳи бўлса, биргина аёл гилин мурося қилиб ўтган бўлардим, гарчи унинг кўзи ожиз бўлса-да, танасида бирор жароҳати бўлса-да... буни Сиз қариганингизда биласиз...

Ойдинхон! Поклигингизни асранг! Кўнглингизни бузманг! Уч фарзанд-уч давлат! Фарзандларингиз орасида ёзувчилар, олимлар, раҳбарлар бўладиганлари бордир... улар улғайгандан кейин юзига қарашни, бемалол қарай олишни ўйласангиз, Сиз бахтлисиз. Сизга ҳурмат билан ёзувчи

**Ўктам ҲАКИМАЛИ**



ТАБРИКЛАР ВА ЭЪЛОЛАР

**Меҳрибонимиз МИРҲОСИЛ ака!**



Сизни таваллуд айёмингиз билан кутлаб, Оллоҳдан соғлиқ тилаймиз. Омад сизга ёр бўлсин.

**Рафиқангиз Муҳлиса**

**Опажонимиз ГҮЛЧЕХРАХОН!**



Сизни 24 январ таваллуд айёмингиз, яъни 31 баҳорингиз билан чин қалбимиздан табриклаймиз. Яратгандан сизга соғлиқ ва бахт тилаймиз. Сиз бор хонадонни бахту-саодат тарқ этмасин. Яхши кайфият доимо ҳамроҳингиз бўлсин.

**Синглингиз ва куёвингиз**

**Азиз ва мўтабар ОНАГИНАМ!**



Онажон! Менинг бебаҳо бойлигим, Оллоҳ берган суянчиғимиз. Сизни кутлуғ 50 ёшингиз-ла кутлаймиз. Сизга узоқ умр, соғлиқ тилаймиз. Бахту, давлатимиз онам, ҳаммиша ёнимизда бўлинг. Набираларингиз бахтини, роҳатини кўринг.

**Кизингиз, куёвингиз ва невараларингиз**

**Азиз синглиларим ФОТИМА ВА ЗУҲРА!**



25 январ — 16 ёшга тўлишингиз билан чин дилдан кутлаймиз. Чеҳрангиздан ҳаммиша табассум аримасин.

**Санобар ва Лола**

**Кизимиз НОДИРАХОН!**



Сени 16 ёшга тўлишинг билан табриклаймиз. Сенга бахту-саодат, узоқ умр, соғлиқ тилаймиз. Барча орзуларингга етиб юргин.

**Отанг Бекпўлат, онанг Гулнора, аканг Комил, уканг Фолиб**

**ҚАБРИСТОНГА ЭКИЛГАН ОҚ АТИРГУЛААР...**



Янги йил яқинлашиб қолган кунлар эди. Юмушлардан толиқиб диванда ётибману кўзим илинибди. Кўрган тушимдан хайратланиб, ҳам ваҳимага тушиб ўғондим. Тушимда опамнинг ҳрҳлисиди ҳаммамиз йиғилиб ўтирган эмишимиз. Сув жилдираб оқаётган ариқчанинг ёнида беш тул атиргул гуллаб турганмиш. Икки четдагиси оқ, ўртада эса уч тули кизил экан. Шу пайт марҳум отамиз кўлида белкурак билан ланг очик турган дарвозадан шошиб кириб келибди. Устида оппоқ узун либоси бор эмиш. У эгат охиридаги энг чиройли гулни ковлаб олибди.

Шу пайт ошхонадан кўлида патнис билан чиққан опам хафа бўлиб йиғлабди.

- Нега бу гулни ковлаб олдингиз, уни ҳаммасидан ҳам яхши кўрардим-ку, ахир? - дебди отамга. Отам эса, - "Бу гулни қабрим тепасига экман", - дермиш. Бир пайт қабристонга бориб қолибмиз. Қарасак, қабр тепасида ҳеч қандай гул йўқ, отам эса қабридан юқориқоқдаги жойга экилган гул ёнида хомуш бошини эгиб ўтирганмиш.

Опам: "Ота, нега ундай қилдингиз, гулни ўз қабрингиз устига ёмоқчи эдингиз-ку", - деса. Отам: "Кўявер кизим, бу еринг эгаси ҳам келиб қолади. Лекин сен ўзингни туттин", - дебди. Ҳаммамиз ҳам йиғлаб уйга қайтибмиз. Ҳовлидаги ҳалиги ковлаб кетилган гул ўрнида икита гул қаламчаси экилганмиш...

Кўрган тушимнинг таъбири ҳақида уч-тўрт кун ўйлаб юрдим. Негадир юрагим ғаш эди. 3-январ куни эса оғир атлетика билан шугулланиб юрадиган, жисмон соппа-соғ юрган жияним тўсатдан вафот этди. Унинг ёшгина хотини, икки нафар гўдаклари қолди. Билсам ўша гул ўрнига экилган қаламчалар унинг болалари экан. Жияним эса... Раҳматли отам тушимда гул эккан жойга дафн этилди.

**БАСИРА**

**Ҳурматли Зарифа АЛИМҚУЛОВА!**

Сизни, 16- январ таваллуд айёмингиз билан чин дилимиздан табриклаймиз. Оллоҳдан барча орзуларингизга етиб юришингизни сўраймиз.

**Дўстларингиз Фаргона вилояти, Олтиариқ тумани**

**Севимли келинимиз ГҮЛНОЗА, неварамиз ЗУЛАЙҲО!**

Сизларни туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Оллоҳдан соғлиқ, узоқ умр тилаймиз.

**Дадаг, Захро оинг, аммаларинг**

**Ҳурматли Фарҳод МАННОПОВ!**

Сизни таваллуд айёмингиз билан чин дилдан табриклайман. Ишларингизда омад ва зафарлар ёр бўлсин. Доимо соғ-омон бўлинг.

**Эҳтиром билан шоғирдингиз Набижон ХОЛМУРОДОВ**

**Азиз опажонимиз Гулором ХОШИМОВА!**



Сизни таваллуд кунингиз билан муборакбод этамиз. Фарзандларингиз ва набираларингиз бахтига доимо соғ бўлинг! Узоқ умр, соғлиқ тилаймиз.

**Эҳтиром билан Қодиржон, Дилфуза, невараларингиз Дилафрўз, Мохиржон, Тохиржон**

**“БЕГОЙИМ - СЕРВИС”**

Азиз аёлларни ўқишга таклиф қилади:

1. Массаж.
2. Замонавий урфдаги пардалар тиқиш.
3. Инглиз тили.
4. Сартарошлик.
5. Ҳамширалик.
6. Тиқиш-бичиш, моделлаштириш.
7. Замонавий бухгалтерия ҳисоби.
8. Компьютер.
9. Торт-салатлар тайёрлаш.

**Манзил: Тошкент ш. Урда бекати, Анҳор бўйи кўчаси. 6-уй. (Вилоятлардан келганларга ётоқхона берилади.)**

**Тел: 41-16-63.**

**ЭЪЛОН**

Зардўзлик хунари, бисер (мунчокли) - замонавий, тантаналар учун кўйлақлар тикман ва шоғирдлар оламан.

Тўй сарполари учун зарли буюмлар тикишга буюртма оламан. Тел: **49-02-88** (яхши хунар эгаси бўлиш кафолатланади)

**“КАМОЛОТ-КОМПҮТЕР” БИЗНЕС МАКТАБИ**

Куйидаги ўқув курсларга таклиф қилади.

**Уч ойлик курсларга:** Ҳисобчилар, компьютер таълими билан бирга; Инглиз тили ( бошловчилар ва давом эттирувчилар учун);

Болалар учун инглиз тили; Компьютер билимлари; Банк иши ва компьютер.

**Икки ойлик курсларга:** Замонавий бухгалтер ҳисоби; Банк иши; Компьютерда ишлаш таълими (WINDOWS 95, MS OFFICE 97, ЭЛЕКТРОН ПОЧТА); Дастурлаш тиллари; Бичиш-тиқиш, зардўзи.

**Бир ойлик курсларга:** 1С: Бухгалтерия дастури билан ишлаш таълими; INTERNETга ўқитиш.

**Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади.**

**Манзилимиз: Тошкент. Навоий кўчаси-11, 39-хона.**

**“Камолот” республика ёшлар жамғармаси биноси).**

**Тел: 41-59-74; 58-48-50**

**ГРИППДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!**

Киш фасли грипп касаллиги кўпая болади. Ушбу касаллик тўғрисида тўлиқ маълумот олиш илнжида биз **Давлат санитария эпидемиология назорати департаменти бошлиги, Республика Бош Давлат санитария врачининг ўринбосари, тиббиёт фанлари номзоди Нурмат Отабеков хузурига ошиқдик.**

- Нурмат ака, грипп касаллиги тўғрисида ва уни қардан кириб келганлиги ҳақида гапириб берсангиз.

- Грипп хавфли, юқумли, вирусли касаллик. Бу касаллик бизга ҳамма вақт Шарқ мамлакатларидан кириб келган. Ҳозир ҳам шундай. Агар биз эҳтиёт бўлмасак бу касаллик Европа ва бошқа давлатлардан ҳам кириб келиши мумкин. Бизда ҳозирги кунда гриппнинг А ва В турлари мавжуд. Грипп касали билан оғриган киши йўталганда, аксирганда унинг тупук заррачалари билан грипп вируслари 2-3 метр масофагача тарқали мумкин.

- Грипп касаллигининг асосий белгилари тўғрисида муштарийларимизга маълумот берсангиз.

- Касалликнинг яширин даври бир неча соатдан, 2-3 кунгача бўлади. Беморда тананинг жунжикиши, киши танасининг зиркираб оғриши, лохасланиш, тана ҳароратининг кўтарилиши, бош оғриги, кейинроқ эса йўтал ва бош белгилари пайдо бўлади. Грипп тез юқувчан хавфли касалликдир.

- Агар уйда грипп билан касалланган одам бўлса нима қилиш керак?

- Беморни поликлиникага олиб бормасдан, дарҳол уйга врач чақириш зарур. Ҳозирги вақтда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи билан грипп бўлган беморларга уйда даволаш ишлари олиб борилади. 38-40° ҳарорати бўлган беморларга уй шaroитида беш кунгача касаллик варақасини очишда. Ҳозир бизда штаб тузилган. Бу штаб ўткир респиратор касалликлари бўйича маълумот тўплайди. Республикадаги вазиятни кузатади. Лозим бўлганда жойларга врач-

ларни юбориб даволаш профилактикасини ўтказишди. Агар уйингизда грипп билан касалланган одам бўлса биринчи галда врач чақиринг.

Беморни алоҳида хонага ётқизиб, фойдаланадиган идиш-товуқларини ажратиб қўйинг. Беморга қараётган одам 5 қаватли дока никоб туттиши ҳамда никобни ҳар уч соатда ювиб, 0,5 фоизли хлораминда ушланиб, ювиб турилиши керак. Хонани тез-тез шамоллатиб туриш ва исирик тутатиш зарур. Полни ярим фоизли хлорамин эритмаси билан ювинг. Касалликка чалинган одамлар олдига болаларни йўлатманг. Агар болада касаллик гумон қилинса, уни богчага, мактабга юборманг. Врач назорати ва маслаҳатига амал қилган ҳолда даволаш ишларини олиб бориш зарур. Ҳеч қачон ўз билганингизча даволанманг!

- Одам ўзини ва атрофдагиларни гриппдан ҳимоя қилиш учун нималарга эътибор бериши керак?

- Ҳар бир киши йўталганда ва аксирганда оғиз ва бурунни тоза дастурўмол билан беркитиш, беморлар билан яқиндан галлашмаслик, танасини совқотишдан сақлаши, оёқни қуруқ ва исик туттиши керак.

Беморлар оқсилли, углеводли, витаминли овқатларни тановул қилишлари лозим. Кўпроқ хар хил қайнатма шўрва, суюқликлар ичиши керак.

Малина, гилос, ўрик, олма шарбатлари ва лимонли чой ичиш фойдалидир.

Шифобахш гиёҳлардан, мойичечак, исирик ва шалфей дамламаси билан томоқни чайиб, фарғара қилиш мумкин.

Бемор оғир ҳам бўладиган, ёғли овқатлар, шўр, аччиқ нарсаларни емаслиги керак. Илоҳи борича энгил хазм бўладиган овқатлардан еб, шарбатлардан ичиши лозим.

- Гриппга қарши ишлатиладиган дори-дармонлар ҳақида...

- Оқсалин мазини бурун атрофига суртиш мумкин. Антигиприн дориси 4 маҳал овқатларидан бир соат олдин 6 томчида тилга томизлади. Интерферрон порошоғи қайнаган сувда эритилиб ҳар 4 соатда 2-3 томчи бурунга томзиллади.

- Сўхбатингиз учун ташаккур.

**Сўхбатдош: Х. МАХАМОВА**

**ИЛОННИНГ ТУХУМИ ЭКАН...**

Онамни ота-оналари қишлоқда яшашиди. Бир куни дадам (раҳматли) даладан, яъни бедапоядан икки-учта тухум кўтариб келибдилар. Шунда ойимлар "Обориб жойига ташланг бу тухумларни. Менимча кеча кеч бўлса ҳам тухумларни жойига обориб қўйганингиз", - деб қатқ ҳақида айтибдилар. Бу ишни илон қилганига дадамни ҳам, ойимни ҳам ишончлари қилиб бўлиб, бу ҳақда бизларга айтишганди. Илон қатққа заҳар солган бўлса керак дейишди.

**Захро МУСАЕВА**

**Тошкент**

**«ДИЛОРОМ» ўқув маркази таклиф этади:**

**2 ойлик:**

1. Компьютер билимлари.
2. Замонавий бухгалтерия ҳисоби.
3. Зардўзлик - бухороча.
4. Тиқиш-бичиш, моделлаштириш.

**3 ойлик:**

1. Компьютерда бухгалтерия ҳисоби.
2. Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун).

**Манзил: Абай кўчаси, 4 "А"-уй, 1-қават, 114-хона.**

**Тел: 144-03-25; 125-19-15.**

**Мўлжал: "Алишер Навоий" метро бекати.**



# ЁРСИЗ ҚОН ЙИФЛАГАН ШОИР

Оллоҳ Таолонинг ўз бандаларига буюрган энг муҳим ишларидан бири уйланиш, оила қуришдир. Жамиятни оиласиз тасаввур этиш мумкин эмас. Бу - илоҳий қонуният. Бир кишини уйланмай ўттириш барча қариндошларнинг муҳокамасига сабаб бўлиб, унинг барча яқинларига армон бўлиб қолади. Улуг кишиларнинг ҳаётида юз берган бундай нохуш ҳодисалар эса баъзан юз йиллар давомида турлича таъкидларни юзага келтиради. Алишер Навоийдек буюк инсоннинг таржимаи ҳолида шундай кенгликнинг бўлгани ҳам биз - унинг авлодларини ҳамон ўйлатади ва кўнглимизни бузади.

Лекин маънавий нуктаи назардан гоёт бой ва мазмунли ҳаёт кечирган Навоийнинг ўзи қарилки йилларида ёзган ва "Бадоеъул-васат" девонига киритилган газалларини бирида ёри, яъни турмуш ўртоғи йўқлигидан зорланиб, бу соҳада бошқалар ундан ўрнак олмасликлари зарурлигини таъкидлаб, унинг бундай аҳволга тушиши унинг ихтиёрисиз юз берганини, бунинг жиддий сабаблари бўлганини куйидагича баён этган эди:

**Айламанг бекасглигини тазн, бир кун бор эди, Менда ҳам бир нозанини чобуксувар, эй дўстлар.**

**Ёрсиз вайронда қон йиғларинг, Охир, сиз қилинг, Ёр бирла гашти боғу долазор, эй дўстлар.**

**Ёрсиз ифрот ила гар йиғласанг, айб этмангиз, Ким, эрур бу иш манга беихтиёр, эй дўстлар.**

Биз бу ўринда ушбу масаланинг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтмоқчимиз.

## 1. "МОҲИ МУАДДАБ"

Алишер оилада ўртанча фарзанд бўлиб, у болаликдан ҳар томонлама соғлом, жисмонан бақувват, ақдан зийрак, табиатан кувноқ эди. У кўп ўқир, ўқиган шеърларини ёд олишга ҳаракат қилар, шу билан бирга ўз тенгқурлари билан ўйнашни ҳам унутмас эди. Айниқса унинг мактабда ёшидаёқ гўзалликка, қизларга муносабати диққатни ўзига тортади. У мактабда ўқир экан, бир қизни яхши кўриб қолгани, ҳатто шу ёшда унинг тўғрисида махсус газал ёзгани маълум. Бу шеърда у қиз таърифи, яхши ўқиши, уни ҳамма хурмат қилиши тўғрисида шундай сатрлар бор:

**Қачон мактабда ул моҳи муаддаб, Борур - ўздин борурлар ахли мактаб.**

**Бўлур лавҳи забаржад ахли ҳайрон, Чу олур илгига лавҳи музаҳҳаб.**

**Дегач абжад, бошига эврлулар, Камар бирла куёш яъни жаду аб. Нечукким мактаб атфоли хуруши Гамидин халқ аро фарёду "Ё раб!"**

Ёш Навоий исми бизга номаълум бўлган бу гўзал ва одоли қизни ("Моҳи Муаддаб") узоқдан яхши кўрибгина қолмасдан, мактабга у билан бирга бориб келишга ҳаракат қилар, ҳадеганда дарсхонадан чиқарвермаса, муаллимига унинг кетишига руҳсат сўраб хат ҳам киргизар, бу билан ўзининг қатъиятини ҳам намойиш этар экан:

**Муаллим қуллуғига хат берурмен, Гар озод ўлса ул сарви шакарлаб.**

Масаланинг жиддийлиги яна шундаки, у қиз баъзан Навоийни кун ботгунга қадар ("то шом") куттириб қўйган вақтлар ҳам бўларкан. Бу эса шоир - Навоийнинг кўзларидан илк бор муҳаббат кўз ёшлари оқишига олиб келаркан:

**Навоий ашқидин то шом анжум, Тўқар, чайқайму деб ул Саъди**

**Кавкаб.**

Менимча, бу шеърни Навоийнинг биринчи муҳаббати билан боғлиқ биринчи газалларидан бири деб қараш ва баҳолаш мумкин.

**А. ХАЙИТМЕТОВ, филология фанлари доктори, профессор**

# ДАРДИМ БИЛСА ЁРИЛГАЙ ТОШ...

Асли касбим новвой, аммо шеърят деб аталгучи кутлуғ уммонга ўзимнинг ҳиссамни қўшиб тураман. Мактубим мазмуну шундан иборатки, биз оилада 8 жонмиз, фақат бундан оиламиз таянчи бўлмиш, яъни дадамгина бир маънода муастасно.

Дадам бундан саккиз йил бурун оиламизда рўй берган келишмовчиликлар сабаб уйимиздан бош олиб чиқиб кетганча ҳали-ҳануз ортига қайтмади. Ҳозирда дадам Тошкент вилоятининг Бўка туманида истиқомат қилади.

Илтимос, сизлар мени тўғри тушунишлар, чунки мен буну шунчаки оилавий келишмовчилик деганим йўқ. Балки бу бир муҳаммад иш демакдир. Тўғри, дадам аям билан нимадир сабаб бир-биридан совуган бўлса совуғандир. Мен шунга суяниб ёзмоқдаман бу сўзларни.

Шояд-ки, бу шеърим сизларга ёқиб, кўнгилларингизни сал бўлса-да ларзага солса, мен ўзининг бир сирдоним, дилқашим борлигидан бошим осмонга етарди...

## УЙГА ҚАЙТИНГ, ЭЙ ПАДАРИМ!

**Уйга қайтиб бағримизни айланг бутун, эй Падарим, Сизсиз кўнгул хонасига тўлди тутун, эй Падарим...**

**Нечук! Бизни кўйиб тунда юрурсиз бегона элда, Ё, сизни йўлдан урдими шайтон малъун, эй Падарим...**

**Бир ёнла сизнинг гамингиз, бир ёнда-чи, бизнинг гам, Онам шўрлик гоҳи ўқиб йиғлар беун, эй Падарим...**

**Эвоҳ! Азим гуноҳ қилди, сизга зуғум қилган зотлар, Бунинг учун аларга ҳам қайғуси хун, эй Падарим...**

**Бир маъноси-дилжастимен, дўст-у, рақиб олдида мен. Қолмади уримда ҳаргиз, бир ёруғ кун, эй Падарим...**

**Дардим билса ёрилгай тош, букмиш чинор ҳам қаддини Оху-зорим худойимга етмас нечун, эй Падарим...**

**Кўнглим қуши кўним билмай учар хавотир даштаида, Бўлурми мушқулми қушод, ҳолим забун, эй Падарим!... Дилшоғ ЙИГИТЛИЕВ Фаргона вилояти**

# АЛПОМИШ

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Хурматли газетхонлар! Ёдингизда бўлса "Алпомиш" достонининг мазмунини бериб бораётгандик. Қисқа танаффусдан сўнг "Алпомиш" яна газета саҳифасида.

**Эслатма: ...Бойбўри уқаси Бойсар билан фарзандлари Алпомиш ва Барчинони бешиккертти қилади. Аммо, Бойбўрининг уқаси закот талаб қилиши ўртадаги низога сабаб бўлиб, Бойсар ўзининг тарафдорлари билан юртидан кўчиб кетади.**

Кунларнинг бирида Алпомишнинг синглиси Қалдирғоч Барчиндан "...қалмоқ жуда талашда қолгани, "мендан умиди бўлса Алпомиш келсин, бўлмаса жавобимни берсин" деган хабарни олади. Бунинг эшитган Алпомиш йўлга отланади. Йўлда у Бойсарининг хор бўлганини, Барчинни қалмоқ алплар талашда қолгани, ўзининг эса айни вақтда етиб келганини билди: олти ойлик муҳлат эртага тўлар экан.

Алпомиш йўлга отланибди. Бойчибори Муродтепага елиб қичиб олди. Шунда узоқдан ўн тўрт отлик кўринибди. Уларнинг бошлиғи Сурхайил мастоннинг кенжа ўғли Қоражон. Қоражонни тушида расуллилоҳ мусулмон қилган, Алпомишни таништириб дўст бўласизлар, дея фотиҳа берганди.

Алпомиш Қоражонни Бойсариникига юборади. У Барчин билан сўзлашади. Алпомиш ва тўқсон алпнинг ўртасида ноардлик бўлмасин дея Барчиннинг боши қотиб туриб эди...

Бунинг устига, Барчин кўрган тушини эслаб, Алпомишга узатган шаробини у ичмагани, унинг душманлар ўртасида ўзини қўрсатмак ниятида экани, ана шундан кейин бий қизининг белидан қучишга ҳали эрта эканини хотирлаб, чуқур ўйда қолди-да, оқибат шу қарорга келиб айтди: "Алпомиш кепти, хуш кепти. Лекин энди менинг тўрт шартимни у ҳам бажариши керак."

Биринчиси:

**Бобохон тоғидан пойга туздирса,**

**Кимнинг оти шу пойгада ўздирса,**

**Оти илдам бойбаччага тегаман...**

Иккинчи шарт:

**Ёй тортишса, ёйи синмай қолганга,**

**Мен тегаман шул ёйандоз полвонга...**

Учинчи шарт:

**Минг қадамдан танга-пулни урганга,**

**Мен тегаман шул қарағай мерганга...**

Тўртинчи шарт:

**Қураш қилиб тўқсон алпни олганга (йиққанга),**

**Мен тегаман шу норбилак полвонга...**

Барчин шартларини айтиб бўлган, Қоражонга уқтирди:

**Айтиб боргин излаб келган сўлтонга,**

**Отин тоблаб қира берсин майдонга,**

**Хабар бергин бари қалмоқ душманга,**

**Талаб қилса бари келсин майдонга.**

Қоражон бу хабарни дастлаб алпларга етказди. Алплар алпи Кўкалдош айтди:

- Келган ўзбак шу оти билан хотин олиб кетаман, деб ахмоқ бўлибди. Сўнгра зўр синчисини чақириб: - Бу отни бир кўр қани, - деди.

Синчи Бойчиборни кўра кетди: сағрисининг устидан қулогининг ўртасигача тўқсон олти қарич қикди, айл тортуви олтиш уч қарич қикди. Сағрисини силаб кўрдиким, кўлтиғида тўрт ярим газ қаноти буклам-буклам бўлиб ётибди.

Нихоят, отнинг таърифини қилди:

**Йилкичида ўзи келган синлидир,**

**Тўбишқон туёқли, марол беллидир,**

**Арсат қунида ажаб холлидир,**

**Асл тулпор экан ўзбакнинг оти...**

**Пойга қилиб бир шумлиқни ўйласанг,**

**Пойганинг бошида тортиб бўйласанг,**

**Ўн беш кун илгари берман ҳайдасанг,**

**Бўшласа ўзади ўзбакнинг оти...**

Кўкалдошнинг жаҳли қичиб, синчининг икки кўзини ўйиб олди-да, уқаси Қоражонга:

- Бизни Алпомишнинг қошига обор! - деди.

**Филология фанлари номзоди**

**Сайёра ХОЛМИРЗАЕВА тайёрлади.**

Покланиш оий-рўзаи рамазон кунларидан бирида қизларим Моҳира, Рисолат, Камолоҳонларни олиб қизлик уйим Зангиотадан онамларни кўриб, ифтор маҳалига 1 соатлар қолганда уйга тезроқ етиб олиш ниятида "Чилонзор" метро-росига тошиб тушиб кетаётган эдик. Метрога тушаверишга қатор бўлиб лимон, олма, хурмо сотиб ўтиришар, шуларнинг орасида 1 литрлик банкаларда бир аёл (ёшлари тахминан 45-50 ларда) "қаймоқ олиб кетинглар, қаймоқ олиб кетинглар, арзонга бериб юбораман, ифторга кетга қолдим, 2 дона қолди" деб турарди. Шунда қизим Моҳирахон: "Опажон, олиб кетайлик, эрталаб сахарда еймиз, ҳам анави опоқимларга ачинаялпан, ифторга ҳам озгина вақт қолди", деб қўймади. Шошиб холани олдиларига бордик, еб кўринг болам, еб кўринг, деб кичкина қошиқни банкага солиб ялатмоқчи бўлидилар. "Холажон, мен рўзаман, оқлик бўлса, сизга ишондим, мазаси яхши бўлса бўлди", деб қийишмасдан пул бердим. Болам, ош бўлсин, огиримни энгил қилдинг қизим, деб дуо қила-қила

қолдилар. Мен болаларим билан рўза кунининг бошлариданок дуо олганимизга қайфиятим кўтарилиб йўлимизда давом этдик. Уйга келдик. Кичкина қизим Камолоҳон бола эмасми? Қаймоқ ейман деб хархаша қила бошлади. Адаси ҳам ишдан келдилар. Мен метрода бир нуруний хола қўярда қўймай 1 литр қаймоқни арзонга олиб кетинг деб берганини айтдим. 500 сўмга олдингми? Нега арзонга берди экан-а?,- деб адамиш ажабландилар. Шошиб турган

экан-да адаси, ифторга кеч қолдим деб бечора хола. "Моҳирахон, қизим, чой дамла-чи, олиб келган қаймоғимиз билан чой ичайлик", - дедим. Ҳаммамиз йиғилдик. Чой ҳам келди. Қаймоқдан озгина олиб ялаб кўрдим, мазаси яхши. "Ҳа, адасини олдида уялиб қолмас эканман", - деган хаёл кўнглимдан ўтди ва қосага қаймоқни

сола бошладим. Не кўз билан қарайки, ярим пиёла қаймоқ, қолгани қатиқ экан. Ҳаммамиз қосага қараганча ҳайрон бўлиб қолдик. Адамин шунда "олиб келган қаймоғилар зўр-ку", деб қулиб юбордилар. Хижолатдан ерга кириб кетай дедим. Фақат, вой тавба, рўза кунлари-я, одамларга нима бўлди ўзи дердим. Шунда

б ёшли қизалоғим: "Опажон қари хола-лар ҳам алдайдимми" деб қолса бўладими? Нима деб жавоб беришни билмай қолдим. Инсофсиз хола 1 литрнинг ярмидан қўлига сапсарик қилиб қаймоққа ўхшатиб қатиқ увитган, қолган устки қисмига эса қаймоқ солиб қўйган экан. Ҳар қандай шошиб турган одам ҳам қаймоқнинг тағи-гача аралаштириб кўрмай, устини ўзини қошиқда олиб яласа, ялаб ёки менга ўшаб холанинг оппоқ сочларига, "рўза кунни ифторга кеч қолялпан" деган сўзларига ишонмай қолмайди. Ёшлари бор жойга бориб қолган хола рўза-ю, ифторликни рўқач қилиб яна нечта одамларни алдадилар экан. Ахир бир йилда

бир ойгина меҳмон бўлиб келадиган рўзада бир-биримизни алдаб эмас, Оллоҳдан гуноҳларимизни магфират қилишни сўрасак бўлар эди. Пул-пул деймиз. Пул қўлни кири келиб-кетаверади. Лекин одамгарчилик-чи. Балки шу нарсани бир ўзим, болаларимиз олганимизда шунчалар таъсирланмас эдик. Уларнинг хотирасида шу нарса бир умр муҳрлини қолмайди деб ким қафолат беради?

Катталарга ишонч-ҳурмат-ку, бу. Ахир бизга нималар бўлаяпти, бозор иктисодиётини, келишмовчиликни рўқач қилиб бир-биримизни алдамаяпмизми? Ҳамма нарсани пул билан ўлчамаяпмизми? Ахир пулдан ташқари, меҳр-оқибат деган, виждон деган нарсалар қаредда қолди?

Балки менинг бу мактубимни "Оила ва жамият" газетаси орқали қаймоқчи - "қатиқчи" холанинг неваралари, ўғил-қизлари ўқиб ўша "инсофли" холамларга ҳам ўқиб беришар. Зора тўри хулоса чиқариб олсалар. Сиз нима дейсиз, азизлар?

**Ферузахон АЗИЗОВА**

**ҚАЙМОҚЧИ ХОЛАННИНГ ФИРИБИ**







Қаддингни тик тут аёл,  
Аламларинг ют аёл...

Хар гал қишлоққа борганимда синфдош дугоналарим билан бирга ўтиришиб бир яйраймиз. Бу давра ҳеч бир даврага ўхшамас, дилтортар, дилбарлар давраси. Пичинг ва гийбатлардан узок, оддий, ҳам дилқас давра. Аммо гап бу ҳақда эмас. Гап давраимизнинг собик аъзоси, исми жисмига монанд Муниса ҳақида. У мактабни тамомлаган захоти турмушга узатилган ва орадан ўн йил ўтиб давраимизга қадам ранжидан қилди. Бундан барча дугоналар қувондик, чунки уни ҳаммамиз яхши кўрардик. Қорачадан келган, ипақдек майин сочлари иккита қилиб ўрилган, мулойимгина кулиб турувчи, ораста бир қиз эди. Мактабда ҳаммамиздан яхши ўқирди. Камгап, камсукум, фаҳм-фаросат бобида ҳаммамиздан ажралиб турарди. Биз уни болаларга хос бўлган самимият билан ҳурмат қилардик. Ҳатто ҳозир ҳам.

Давраимизда суҳбат қизиқ, бот-бот кулги янграрди. Шу пайт кўзим Мунисага тушди. Бу даврада унинг жисми бор эди ҳолос. Унинг биздан қанчалар йироқдалигини кўзлари ошқора айтиб турарди. Дугоналар тарқалаётган пайтда Мунисани олимларниқиди тунаб қолишга таклиф қилдим. Буни қарангки, ўн йил давомида бирорта дугонаимизнинг тўйида ҳам, хар хил зиёфату гап-гаштакларда қанчалик ялиниб таклиф қилсак ҳам келмайдиган Муниса бугун "хўп" деб кўнақолди. Бундан чиқди унинг дарди бор. У ким биландир тўйиб-тўйиб дардлашиш истагиди. Шу кеча мен уни тингладим. Ҳеч бир қўшиб-чатишсиз, у қандай ҳикоя қилган бўлса, шундайича эътиборингизга ҳавола этайман.

Ойим эрта вафот этганлар. 8 ёшда эдим. Кейин дадам уйландилар. Ўғай онага сал-пал кўника бошлаган вақтимизда у ҳам кетиб қолди. Уйда дадам, 16 ёшли акам, иккита кичкина укаларим бор эди. Опаларим турмушга чиққан, олис туманларда яшашар, биздан тез-тез хабар олишга имконлари йўқ эди. 14 ёшимдан далада ишлаш бошладим. Мактабда ўқишларим яхши эди. Уй ишларига ҳам улгурардим. Орзуларим оламжаҳон эди. Энг катта орузим ТошМИДа ўқиш эди. Бу ушалмас орзу эканлигига ақлим етарди. Чунки, ўқишга шароит йўқ эди. Энди афсусланаман. Қанчалик қийин бўлса ҳам бир касбинг бошини тутиш учун ўқишим керак экан. Мактабни соғиниб эсламан. Мактаб жудаям мусавффо бир олам. Бу оламда сени тушунадиганлар, сенга қайишадиганлар ҳаммиша топилади. Бу оламни тарқ этгандан сўнг ҳаммаси мураккаблаша борди. Мен учун албатта.

17 ёшда турмушга чиқдим. Эрим олий маълумотли бўлиб, яхши ишда ишларди. Мен келин бўлиб тушган оила катта эди. Ташвишлари ҳам шунга яраша. Ёшлигимдан ҳамма ишни мустақил қилиб ўрганганим учун рўзгор ишлари мен учун янгилик эмас эди. Катта даргоҳ, Келди-кетди ва бошқа ташвишлар. Мен уларни тоқат билан енгилшга ҳаракат қилдим. Қайнона-қайнотам мендан рози эдилар.

Ниҳоят бизни алоҳида чиқаришди. Буни ўзи бўлгани йўқ албатта. Бу пайтга келиб учта боламиз бор эди. Болаларим ёш бўлишига қарамай эрим билан баравар лой чангаллаб уй тикладик. Уч хонали, олди айвон, шинамгина уй, томорқаси ҳам анчагина, унда ишлаш ҳам менинг зиммамда эди. Мен бу ишларни оғир бўлишига қарамай ҳеч оғринмасдан, астойдил бажардим. Чунки, бу ишлар ўзимнинг оилам, болаларим учун эди. Тўй-ҳашамларга бормасдим. Эримнинг сўзи сўз эди. "Узимизни тиклаб олсак, бошқа хою-хаваслар кейин ҳам бўлаверадим", - дерди. Уни астойдил ҳурматини жойига қўйдим. Ҳаётдан нолимасдим. Оиламни муқаддас "Қаъбам" деб билардим. Чунки унда шириндан-ширин болаларим, мен кўр-кўрона севиб кадрлагувчи инсон бор эди. Бир нопок кимсаннинг нопок нияти туфайли менинг "Қаъбам" дарз кетди. Дарз кетди эмас, қақти тушди.

Баҳор вақти қишлоққа иш қайнаб ётади. Кундузги ишлардан толиққан бўлсамда, болаларимни ювинтириб, кир-чиқларини чайдим. Ўзим ҳам ювиниб олиш ниятида сув иситдим. Кичкинамни опасига тайинлаб қиқиб, шоша-пиша ювина бошладим. Кичкинам чинқириб йиғлай бошлади. Эгнимга халатимни нари-бери илганча югурдим. Уйга кириб ўғилчамга кўкрак тутдим. Шу пайт эшик гийқиллаб очилиб, останада аммаимнинг ўғли Ботир кўринди. (У иккита боласи билан хотинидан ажрашган, болалари хотинида эди.) Унинг кўриниши аллақандай бежо эди. Салом-алиқни ҳам унутиб, эримнинг уйда йўқлигини, бошқа пайт келишини айтдим. У гапларимга эътибор ҳам бермасдан эшикни ичкаридан бекитди. Ва менга қараб кела бошлади. Жонҳолатда ўрнимдан отилиб турдим. Шу пайт эшик орқа томонидан ҳам шарақлаб кулфланди. Ботир бирдан ҳушёр тортиб ўзини деразага урди. Деразадан уни эрим ушлаб олди-да, овозининг борича кўни-қўшнилари чақирди. Эримнинг бақириги одамлар тўпланди. Нима юз берганини дафъатан англаб етмадим. Кўрқувдан дир-дир титраб турарканман, эрим одамларга бизни "бирга тутиб" олганини газабла гапира кетди. Ҳамма жим эди. Ёши каттарок қўшнимиз: "Муниса, шундоқ эрингни манави шўртмушқунинг нимасига алишдинг?! Наҳотки қўлингда эмизикли бола билан нопоклик кўчасига кирдинг? Эҳ, одам-

зот..."

"Нималар деярсиз?" Билмайман, бу гапни бақириб айтдимми ёки пичирлаб. Эрим ўшқира кетди: "Тилинг калимага келмай қолди-я! Нимаям дердинг, ахир ўзим "ушлаб" олдим-ку" Ботир довдираб ўзини оқлай бошлади: "Ахир анчадан бери хотиним билан бирга турмаймиз. Эракка киши бўлсам. Аёл кишини кўмсайман. Ёшлигидан яхши кўраман." У ўзини менинг устимга мағзава тўкиш билан оқлади. Кўзларимга дувиллаб ёш келди, овозим қалтираб: "Дада-си, мени бекорга бадном қилманг, менинг айбим йўқ", - дея олдим. Бефойда. Эрим мени хиёнатда айблади. Шу кундан бошлаб дўзах азоби бошланди. Эрим мени уриб-сўкмасди. Қайтага уриб сўкса тузук эди. Мен пиширган овқатдан ҳазар қиларди. Кийимларига қўлимни тегизмасди. Боланим эмизиб турсам: - "Боланим харом қилдинг", - дерди. Мен ўтирган хонага кириш тугул қайрилиб қарамасди. Оиламни сақлаб қолиш учун барчасига чидашим керак, бир кунни тушуниб қолар, айбсизлигимга ишонар, деб ўйладим. Шундай кунларнинг бирида олдига кирдим. Ялиниб, ёлвориб менга ишонишини сўрадим. Ишонма-

сангиз муқаддас Каломулло билан қасам ичай. Шунда эрим совуққина қилиб, "Қўй, Каломуллони ҳам харом қилма", - дея чиқди-кетди. Ҳаммаси тамом бўлди. Болаларимни олиб акамнинг уйига бордим.

Отам ҳам вафот этган, акамнинг қарамоғида иккинчи ўғай онам

икки боласи билан, укам, ўзининг учта боласи яшарди. Учта боламни етаклаб мен ҳам уларга қўшилдим. Ишламасдим. Болаларни боқошининг ўзи бўлмайди. Болаларим гоҳ отаси билан, гоҳ мен билан яшай бошладим. Кўп ўтмай эрим уйланди. Ботир ҳам уйланди. Эрим суд орқали иккита боламни ўзига олди. Кичкинамни ўзим билан олиб қолдим. Далада ишлаш бошладим. Пахта териб юрарканман биқинимда кучли оғриқдан ҳушимни йўқотдим. Уйга қандай олиб келишганини эслай олмаман. Дўхтир келиб укол қилгач сал ўзимга келдим. Ётиб даволанишни маслаҳат берди. Қаёқда. Уйда ёлғиз акам ишласа. Текин томоқ бўлиб ўтириш яхши эмас. Бундан ташқари даволанишнинг ҳам ўзи бўлмайди.

- Хотин-қизлар кўмитасига бориб кўрмадингми?

- Йўқ. Ўзлари келишди. Улар ҳам менга насихат қилишди. Эримни билшиларини, одамлар ўртасида яхши обрўси борлиги ва бошқа қатор яхши фазилатларини гапиришди. Албатта, эримни билшадим. Чунки, у ҳаммавақт одамлар орасида эди. Мени эса ҳеч ким билмасди. Одамларнинг менга ишонмасликлари ҳам шундан бўлса керак. Қўмита раисаси мени эримниқига обориб қўймоқчи бўлди. Мен унга аввал эрим билан гаплашинг дедим. Чунки, ҳамма нарсани у бир ўзи ҳал қилди, мен қўлимдан келган барча ишни қилдим. Ёрдан бермади. Қайтага баттар ёмонлашди. Ўзимни оқлаб қилган хар бир ҳаракатим, гапим эримнинг газабини оширди, ҳолос. Раиса бу ишга каттик киришганлигини айтиб жўнаб кетди. Индамай кўя қолдим. Чунки, ҳеч қандай фойдаси йўқлигини юрагим сезиб турарди. Мен айбсиз айбдор бўлиб қолгандим.

Бир нарсига тушунолмайман. Бир ёшлигимда ҳам ўлдим-қўйдим қилиб бировни севган эмасман. Ёки бошқа бировнинг ошқора муҳаббат ихзор қилганини эслай олмаман. Бунга менинг вақтим ҳам бўлган эмас. Эрталабдан мол-ҳол, уй ишлари, мактаб, далага чиқиш, яна уйга чоп. Лекин, орзу қилганман. Яхши кунларни, менга аталган яхши кунларни...

ни... Одамлар нега менга ишонишмайди? Ахир бирор марта ноҳўя қадам босган эмасдим-ку?! Жим қараб туришди. Бирорта инсон ўйлаб иш қўришни эримга уқтирмади. Мен ноҳақлик олдида оҳиз қолдим.

Менга қанчалик оғир эканлигини билсанг эди. Ўзим тирик бўла туриб болаларим ўғай она тарбиясида бўлса! Яратганим менга аталган кунлари шу эканда... Эримнинг нияти нима эди? Нимага асосланиб шу қадар ишонч билан мени хиёнатда айблади? Бу саволларга жавоб тополмай қийналанам. Фақат бир нарсани аниқ; менинг оилам йўқ эди.

Муниса узок гапирди. Дард билан, йиғидан бўғилиб, куйиб-ўртаниб. Мен уни жудаям яхши тушунаман. Оиласининг бузиллиши унинг учун қанчалар оғир йўқотиш эканлигини дил-дилимдан хис қиламан. Ёрдан беришга эса оҳизман. Фишт қолиддан кўчган. Шу воқеани эшитгач синфдош ўртоқларим ичида ҳамма вақт сипо, сўзамоллиги билан ажралиб турадиган Зоҳида савол бердим: - Сиз Мунисанинг хиёнат қилишига ишонасизми? Фақат ростини айтинг?

- Мен ҳозир ҳеч нарсига ажабланмайман. Ҳамма нарса бўлиши мумкин. Лекин, мен билган инсон - Муниса ҳеч қачон ҳеч кимга хиёнат қилмайди. Хиёнат сўзи Мунисанинг исми билан ёнма-ён қўйилишининг ўзи ўринсиз.

- Эри билан гаплашдингизми?


- Ҳа, аммо, унинг бу масалада шунчалар жоҳил эканлигини билмаган эканман. Унга бир нарсани уқтириш қийин. Бунинг устига шартта уйланиб ҳам олди.

Тақдирнинг машаққатли сўқмоқларида сарсон дугонамнинг дардига малҳам бўлмаганидан афсусдаман. Сўзимнинг охирида шунга таъкидлаб айтмоқчиман: Одамлар, ёнингизда ёрдамнингизга, бир оғиз ширин сўзингизга, қолаверса, ҳимоянгизга муҳтож инсонлар бор. Уларга эътиборли бўлинг, ҳукм чиқармоққа шошилманг! Заифалар тақдирига беварқаб қилманг!

ИНОБАТ НОДИРШОХ ҚИЗИ

## ҲУКМ ЧИҚАРИШГА ШОШИЛМАНГ!

1. Менинг "Қаъбам" кулаб тушди.
2. Гумонлар Оллоҳнинг каломидан ҳам кучли эканми...



ни... Одамлар нега менга ишонишмайди? Ахир бирор марта ноҳўя қадам босган эмасдим-ку?! Жим қараб туришди. Бирорта инсон ўйлаб иш қўришни эримга уқтирмади. Мен ноҳақлик олдида оҳиз қолдим.

Менга қанчалик оғир эканлигини билсанг эди. Ўзим тирик бўла туриб болаларим ўғай она тарбиясида бўлса! Яратганим менга аталган кунлари шу эканда... Эримнинг нияти нима эди? Нимага асосланиб шу қадар ишонч билан мени хиёнатда айблади? Бу саволларга жавоб тополмай қийналанам. Фақат бир нарсани аниқ; менинг оилам йўқ эди.

Муниса узок гапирди. Дард билан, йиғидан бўғилиб, куйиб-ўртаниб. Мен уни жудаям яхши тушунаман. Оиласининг бузиллиши унинг учун қанчалар оғир йўқотиш эканлигини дил-дилимдан хис қиламан. Ёрдан беришга эса оҳизман. Фишт қолиддан кўчган. Шу воқеани эшитгач синфдош ўртоқларим ичида ҳамма вақт сипо, сўзамоллиги билан ажралиб турадиган Зоҳида савол бердим: - Сиз Мунисанинг хиёнат қилишига ишонасизми? Фақат ростини айтинг?

- Мен ҳозир ҳеч нарсига ажабланмайман. Ҳамма нарса бўлиши мумкин. Лекин, мен билган инсон - Муниса ҳеч қачон ҳеч кимга хиёнат қилмайди. Хиёнат сўзи Мунисанинг исми билан ёнма-ён қўйилишининг ўзи ўринсиз.

- Эри билан гаплашдингизми?

- Ҳа, аммо, унинг бу масалада шунчалар жоҳил эканлигини билмаган эканман. Унга бир нарсани уқтириш қийин. Бунинг устига шартта уйланиб ҳам олди.

Тақдирнинг машаққатли сўқмоқларида сарсон дугонамнинг дардига малҳам бўлмаганидан афсусдаман. Сўзимнинг охирида шунга таъкидлаб айтмоқчиман: Одамлар, ёнингизда ёрдамнингизга, бир оғиз ширин сўзингизга, қолаверса, ҳимоянгизга муҳтож инсонлар бор. Уларга эътиборли бўлинг, ҳукм чиқармоққа шошилманг! Заифалар тақдирига беварқаб қилманг!

Шахрисабз



Севгилим дунёни тарк этди деб ёзган инсонларнинг дил изҳорларини ўқиганман, лекин жавоб қайтара олмас эдим, чунки бошга тушган одамгина бу даҳшатни тушуниб етди.

Мен ҳам мана шундай аҳволга тушиб турибман. Бу сўзларни айтиш шу қадар огирки...

Аммо ҳаёт зарбаларига дуч келгандан кейин нима қила оламиз.

Бахтим ҳам, қувончим ҳам бир кунда дунё юзидан йўқолди. Доимий кулиб, порлаб турувчи кўзларим энди ёшларини қаерга беркитишни билмай қолди. Келинг, ундан кўра ҳаммасини бир бошдан сўзлаб берай.

# АСЛИ КЎРМАГАНИМ ҚАДРИМ СОҒИНДИМ

1997 йил дилимга муҳаббат кириб келди. Бунга ўзим ҳам ишона олмас эдим. Севганим мард, гўзал ва ўта шўх бола эди. Доимо хурсанд бўлиб юрар, мен билан ҳазиллашар эди. Севиб қолганини айтганда, дунёда менадан бахтиёр инсон йўқ эди. Кулочларимни кенг ёзиб осмону фалакда учиб юргандек ҳис қилдим ўзимни.

Биз бошқа севишганларга ўхшаб ортикча қилиқларга ўтмас эдик. Менинг ўзбекчилигимми ёки қизлик ғуруримми дилимдагини унга етказа олмас эдим, лекин у севишимни жуда яхши сезарди, балким унга кўзларим айтиб бергандир.

Ҳар куни кечаси телефон қиларди. Отаном урлагач, телефонни ховлига олчиқиб кўярдим. Шунда орзиқиб қутилган телефон кўнгириги бўларди. Шу билан то эрталабгача суҳбатлашардик. Суҳбат доимо мен томонга ёғдирилган мактов сўзлар гоҳида эса нозли гиналарим билан ўтарди. Соат етти яримларда эса иккаламиз ҳам синф хонасида бўлардик. Бу пайтда эса қалбларимиз сўзлашарди, холос.

Дарс давоми, танаффусларда, биз тамоман бегона, ҳар қайсимиз ўзимиз билан овозлашардик. Гаплашганимизда ҳам уришиб кетардик. Ҳамма бизнинг бу қадар чиқишмаслигимизга ҳайрон бўларди. Кечкурун эса яна телефон қилиб кечирим сўрар ва суҳбат яна тонггача давом этарди.

Севгимиз тўла-тўқис эди, лекин орага "қоработир" туша бошлади. Дугонам сеvgимизни сезиб қолибдимми М.ни менга ёмонлайдиган, ўзи эса турли баҳоналар билан М. билан ўтириб оларди. Менга эса М.ни дарс давомида мени ёмонлаганини айтарди. Мен эса дугонанинг сўзларига ишониб М. билан уришиб қолдим. Телефон қилса гаплашмас эдим. Бир куни қутилмаганда ёнимга келиб ўтирди-да, аразлаганимни сабабини, нега гаплашмай кўйганимни сўради.

Жавобига эса уни кўргим келмаётганини, йўқ бўлса яхши бўлишини айтдим, чунки дугонам айтган гап ич-ичимдан ўтиб кетганди. М.ни шундай ёмон кўриб кетгандимки сеvgимдан ҳам воз кеча олардим.

Бир куни синфдошим билан гаплашиб уришиб қолдим. Уғил бола бўла туриб мени қаттиқ хафа қилди. М. буни кўриб турган экан, ҳалиги бола билан уришиб, тепиб ташлади, шунда хонага ўқитувчимиз кириб келиб М.ни уриб юборди ва мактабдан ҳайдатиб юбораман деди.

Жаҳл устида М. дарсдан чиқиб кетди. Шу бўйи ўша куни дарсга келмади. Эртаси куни М.ёнимга ўтирди. Гаплашиб олиши кераклигини айтди. Ҳар хил қилиқлар қилиб қулдирди. Хуллас ярашиб олди, лекин энди яхши гаплашман деганимда дугонанинг сўзи қулоғим остида жаранглайверарди. Охири М.га ҳаммасини айтиб бердим. У эса ёлгонларга ишонишим керак эмаслигини, мени севишини, менсиз яшай олмаслигини таъкидлади. Шу йили мактабни битирдик, имтиҳон кунлари М.менга энди мактабни битириб кетишимизни ва сеvgимизни ҳеч қимдан яширишимиз керак эмаслигини айтди. Унинг бу гапи менга ёқмади. Сени севишим-

ни қайқдан билдинг деб кетиб қолдим. Кечкурун яна телефон қилди. Маза қилиб гаплашдик. Институтга кириб олдик (бошқа-бошқа) энди уни камроқ кўрардим, лекин телефондаги суҳбатимиз ҳечам қанда бўлмасди.

М.га адаси машина олиб берди. У тез-тез ёнимга келиб турадиган бўлди.

М. билан фахрланардим. Шундоқ йигит менга кўнгили кўйганидан хурсанд эдим, ҳамма эркилигим, инжиқликларимни кўтарарди. Бир нарсга эса мени ваҳимга соларди. М.машинасини шунақа тез ҳайдардики, юрагимга ваҳима соларди. "Секинроқ ҳайда, бир фалокат бошлама", десам. "Нима бўпти, ўлсам қутилам"

ламаларим, лекин уйга қай тарзда етиб келганимни билмайман. Бу янгиликни эслаган сарим юрагим эзилиб борарди. Ота-онам, опа-укаларим олдида ўзимни тутиб юрдим. Институтда ҳам дилимдагини ҳеч кимга сездирмадим, лекин қалбим билан танҳо қолганимда аламлар гирдобидан чиқа олмай қолам, кўчада кетиб бораман ҳар бир болага қарасам М.кулиб мени қақираётгандек бўлади. Униқига ўхшаган машинани кўрсам, ни-мадир мени, шу машина ёнига чорларди. Энг огири кечаси билан телефон ёнида ўтирам, бирдан телефон жиринглагандай бўлади, дарров трубкани кўтараман, у ердан эса фақат гудоқ эшитилади. Қани энди М.телефон қилса шу пайт.

Дунё бешафқат экан, яхши одам дунёга сизмаскан. М.эндигина 18 ёшда эди. Юрагидан қандай ғам-алам жой олдикин? Бу жажжи юракчаси нимага дош беролмайдикин? Нега ўша ғамларини мен билан баҳам кўрмади. Нега орзуларимиз энди пучга чиқди.

Келин кўйлақ сотадиган жой олдида ўтардик ва кўйлақ танлардик. Тўйимизга қандай машиналар олиб келишини айттарди. Энг катта орзуси эса мен билан "келин-куёв" кўрсатувига бориш эди.

Энди мен ёлғиз қолдим, қандай яшайман, бахтиёр севишганлар ёнидан қандай қилиб бефарқ ўтиб кетаман. Олдинги кулшларимни, дид билан кийиниб, ясениб юришларимни ер ютди, ҳамма ҳаммаси кўмилди. Орадан шунча пайт ўтса ҳамки унинг йўқлигига ишоналмаяпман. Бир ой олдинги кунларим, бахтиёрлигим кўз ўнгимдан кетмайди.

Аламлар шу даражада устунлик қилмоқдаки, институтда оддий гап ҳам кўнглимга ботиб йўғлаб юбораман. Шўх болаларимизнинг бир хил гаплари М.ниқига ўхшаб кетса хаёллар гирдобига ғарқ бўламан. Худди М.келиб қолгандек. Дарслар ҳам қулоғимга кирмайди. Қулоғим остида эса М.нинг саволи эшитилаверарди.

- Мафтун, тўйдан кейин мени нима дейсан? М.аками, адасими, ёки хўжайинми?

Бу гаплардан биттасини ҳам айттолмайман энди. Суратига термуламан, қани энди гапирса, олдингидек қулдирса...

**Бугун сени эсладим жоним,  
Ҳеч кимга лек сўзламасдим,  
ночор аҳолим.**

**Юлдузларга етса ҳамки қўлларим,  
Энди сенга етолмасман ҳеч қачон ўзим.**  
Дардимни айтишга дардқашим, сиримни айтишга сирдош дугонам йўқ. Шу сабабли ҳаммадан маслаҳат сўрашни уйладим.

Оллоҳимни меҳрибон зот деймиз. Мўъжиза ҳам фақатгина шу зот қўлидан келади. Қани энди шу мўъжизаларидан бирини кўрсатиб М.ни қайтариб берса.

Нима қилай, ким айта олади? Нима қилсам М.ни бу дунёга қайтариш мумкин. Ҳамма нарсасига розиман, фақатгина М. бу дунёга қайтиб келсин. Бўлмаса Оллоҳим менинг ҳам жонимни олсин. Ахир шундоғам М. юрагимни бир парчасини олиб кетгану. Ҳеч бўлмаса ўша ерда бирга бўлардик.

Илтимосим ҳам, илтижойим ҳам М.ни кўриш, қайтиб бер Оллоҳим десаму Оллоҳ қайтариб берса, М.ни ардоқлардим, юрагига ҳечам дард кўндирмасдим. Майли, сеvgимизни дунёга ёрлардим. Авайлаб-асрардим, наҳот энди кеч бўлса, наҳот энди ҳеч нарсани орқага қайтариб бўлмаса. Наҳот шундай ёш, мард, вафодор йигит йўқ бўлиб кетса, наҳот ҳеч нарсга қила олмай, кўзимда ёш билан қолиб кетаверсам?

**Асли кўрмаганим қадрим соғиндим,  
Бетокат жон билан сабрим соғиндим  
Тўғриси қаро ер қабрим соғиндим  
Сизга ҳам айттолмасам кимга айтаман.  
Айтмасам, айттолмасам  
Дардим бўлишолмасам  
Сизга ҳам айттолмасам  
Кимга айтаман.....**

Фам ёшларини тўққан  
Тошкент  
МАФТУНА, 18 ёш.



сан менадан", деб ҳазил қиларди.

2-курсга ўтган бўлишимизга қарамай М. ёш болага ўхшарди. Унинг хурсандчилигидан бошим осмонга етарди. М. билан шунча севишдимму лекин орамиздаги муҳаббатдан ҳеч ким хабар топмади.

Охириги пайтларда М.қандайдир бошқача бўлиб қолганди. Нуқул Рустам Шарипов ва Юлдуз Усмонованинг "Дард" кўшигини тингларди. Шунақанги шўх боланинг бундай кўшиқ эшитиши галати туюларди-ю, лекин қалбида гами борлигини тушуниб етмадим.

Сўнги учрашганимизда М.қандайдир галати гаплар айтди, шўхлигидан эса асар йўқ эди. Хайрлашиб кетдик. Кетдишу бўйи бир ярим ҳафта на телефонда гаплашдик, на кўришдик.

Институтдан уйга келаётганимда бир синфдош дугонамни кўриб қолдим. Дугонам менга М.нинг бир ҳафта олдин дунёдан кўз юмганини айтди. Бу гапга ишонмадим, лекин синфимиздаги болалар ҳам айтганда нима қиларимни билмай қолдим. Ҳамманинг олдида йиг-

**Оила ва жамият**

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри тахририят нуқтаси назаридан фарқ қилиши мумкин.

Кўләмалар тахлил қилинмайдиган ва муаллифларга қайтарилмайди.

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА**

**Телефонлар:**  
Бош муҳаррир — 133-28-20  
Котибият — 34-86-91

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
Тошкент - 700000  
Амир Темури кўчаси,  
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.  
Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти - 20.35  
Босишга топширилди - 21.15

**ҲОМИЙ**  
«Матбуот таркатувчи»  
акциядорлик жамияти

**ОБУНА ИНДЕКСИ** - яққа обуначилар учун 176  
ташқилотлар учун 177

Рўйхатга олиш № 33  
Буюртма Г-0558  
56 269 нусхада чоп этилди.  
Формати А-3, ҳажми 2 босма тоб.  
Бэхоси эркин нархда  
Расоом — Н. ХОЛМҲУРОДОВ,  
Навбатчи — М. СОДИҚОВ.